



ISSN 2181-9599

Doi Journal 10.26739/2181-9599

# ЎТМИШГА НАЗАР

9 ЖИЛД, 4 СОН

ВЗГЛЯД В ПРОШЛОЕ  
ТОМ 9, НОМЕР 4

LOOK TO THE PAST  
VOLUME 9, ISSUE 4



ТОШКЕНТ-2026

**Бош муҳаррир:**  
**Главный редактор:**  
**Chief Editor:**

**Муртазаева Рахбар Хамидовна**  
тарих фанлари доктори (DSc), профессор,  
Ўзбекистон Миллий университети

**Бош муҳаррир ўринбосари:**  
**Заместитель главного редактора:**  
**Deputy Chief Editor:**

**Джураева Нилуфар Далибаевна**  
тарих фанлари номзоди, профессор,  
Ўзбекистон жаҳон тиллари университети

## ТАҲРИРИЙ МАСЛАҲАТ КЕНГАШИ | РЕДАКЦИОННЫЙ СОВЕТ | EDITORIAL BOARD

**Сагдуллаев Анатолий Сагдуллаевич**  
тарих фанлари доктори (DSc), профессор, академик,  
Ўзбекистон Миллий университети

**Бобожонова Дилором Бобожонова**  
тарих фанлари доктори (DSc), профессор,  
Ўзбекистон жаҳон тиллари университети

**Юнусова Хуршида Эркиновна**  
тарих фанлари доктори (DSc), профессор,  
Ўзбекистон Миллий университети

**Аширов Адхам Азимбаевич**  
тарих фанлари доктори (DSc), профессор,  
ЎзР. ФА. Тарих институти

**Агзамова Гулчехра Азизовна**  
тарих фанлари доктори (DSc), профессор,  
ЎзР. ФА. Тарих институти

**Бурдиашвили Майя**  
тарих фанлари доктори (DSc),  
Телави давлат университети

**Кожакеева Ляззат Темировна**  
тарих фанлари доктори (DSc), доцент,  
Хотин-қизлар давлат педагогика университети

**Аминова Азиза Марковна**  
тарих фанлари доктори (DSc), доцент,  
Навоий давлат педагогика институти

**Ульжаева Шохистахон Мамажоновна**  
тарих фанлари доктори (DSc),  
Тошкент ирригация ва кишлок хужалигини механизациялаш мухандислари институти Миллий тадқиқот университети

**Худайқулов Тулқин Дўстбоевич**  
Тарих фанлари доктори (DSc)  
Шаҳрисабз дала педагогика институти

**Гофоров Шокир Сафарович**  
тарих фанлари доктори (DSc), профессор,  
Самарқанд давлат университети

**Эргашева Юлдуз Алимовна**  
Тарих фанлари доктори (DSc), профессор,  
Қариши давлат техника университети

**Халикова Рахбар Эргашевна**  
тарих фанлари доктори (DSc), профессор,  
Тошкент давлат техника университети

**Ишанходжаева Замира Райимовна**  
тарих фанлари доктори (DSc), профессор,  
Ўзбекистон Миллий университети

**Эшов Боходир Жўраевич**  
тарих фанлари доктори (DSc), профессор,  
Қариши давлат университети

**Махкамova Надира Рахмановна**  
тарих фанлари доктори (DSc), профессор,  
Тошкент ахборот технологиялари университети

**Кебадзе Мадонна**  
тарих фанлари доктори (DSc),  
Телави давлат университети

**Абдуллаева Яхшибека Атамуратовна**  
тарих фанлари доктори (DSc), доцент,  
Нукус давлат педагогика институти

**Мустафаева Нодири Абдуллаевна**  
тарих фанлари доктори (DSc),  
Ўзбекистон Фанлар академияси

**Ермегов Аваз Абдуллаевич**  
тарих фанлари доктори (DSc), профессор,  
Ўзбекистон Миллий университети

**Хайдаров Ғайратбек Мирзапўлатович**  
тарих фанлари доктори (DSc), профессор,  
Андижон давлат университети

**Рашидов Ойбек Расулович**  
тарих фанлари доктори (DSc), профессор,  
Тошкент давлат иқтисодиёт университети

**Расулов Абдуллажон Нуриддинович**  
тарих фанлари доктори (DSc), профессор,  
Наманган давлат университети

**Ковалев Борис Николаевич**  
тарих фанлари доктори (DSc), профессор,  
Санкт-Петербург Тарих институти

**Кобзева Ольга Петровна**  
тарих фанлари доктори (DSc), профессор,  
Ўзбекистон Миллий университети

**Ауанасова Алима Мусировна**  
тарих фанлари доктори (DSc), профессор,  
Қозогистон давлат тарихи институти

**Бегалинова Калимаш Капсамаровна**  
фалсафа фанлари доктори (DSc), профессор,  
Қозогистон Миллий университети

**Хайдаров Муродилла Махмуталиевич**  
тарих фанлари доктори (DSc), профессор,  
Ўзбекистон Миллий университети

**Тожибоев Музаффар Турдибоевич**  
тарих фанлари доктори (DSc), профессор,  
ИИВ Академияси

**Алиева Лале**  
тарих фанлари доктори (DSc),  
Озарбайжон давлат университети

**Саипова Камола Давляталиевна**  
тарих фанлари доктори (DSc), доцент,  
Ўзбекистон Миллий университети

**Исмаилова Алмаз**  
тарих фанлари доктори (DSc),  
Догистон мустақил университети

**Иноятова Диларам Маниглиевна**  
Тарих фанлари доктори (DSc), профессор,  
Ўзбекистон Миллий университети

**Таниева Гулдона Мамановна**  
тарих фанлари доктори (DSc), доцент,  
Низомий номидаги Ўзбекистон Миллий педагогика университети

**Дорошенко Татьяна Ивановна**  
тарих фанлари номзоди, доцент,  
Ўзбекистон Миллий университети

**Бабаджанова Нодира Абдуллаевна**  
тарих фанлари номзоди, доцент,  
Ўзбекистон давлат жаҳон  
тиллари университети

**Ширванова Тарана Амирага кызы**  
тарих фанлари номзоди, доцент,  
Азербайдон давлат  
иқтисодиёт университети

**Мирзалиев Улуғбек Бегмурзаевич**  
тарих фанлари бўйича фалсафа  
доктори (PhD), Гулистон  
давлат педагогика институти

**Нуруллаева Шоира Кушназаровна**  
тарих фанлари номзоди, доцент,  
Урганч давлат университети

**Курбанов Бахтияр Журабаевич**  
тарих фанлари бўйича фалсафа  
доктори (PhD),  
Наманган давлат университети

**Ҳакимова Шоира Сағдуллаевна**  
тарих фанлари бўйича фалсафа  
доктори (PhD), UBS Тошкент филиали

**Толибоева Нодира Одилжоновна**  
тарих фанлари бўйича фалсафа  
доктори (PhD), доцент, Ўзбекистон  
жаҳон тиллари университети  
**Масъул котиб**

**Теймураз Ахалмосулишвили**  
тарих фанлари номзоди, профессор,  
Телави давлат университети

**Джоробекова Айнур Эшимбековна**  
тарих фанлари номзоди, профессор,  
Қозоғистон дипломатия академияси

**Рахмонқулова Зумрад Бойхуразовна**  
тарих фанлари номзоди, доцент,  
Ўзбекистон Миллий университети

**Исаков Баҳадир Нигматуллаевич**  
тарих фанлари номзоди, доцент,  
Ўзбекистон давлат жаҳон  
тиллари университети

**Холмуродов Дилшод Рашидович**  
тарих фанлари бўйича фалсафа  
доктори (PhD), Жиззах давлат  
педагогика университети

**Юсупов Аҳмеджон Шоназарович**  
тарих фанлари бўйича фалсафа  
доктори (PhD), доценти  
Urganch davlat universiteti

**Тиллажаева Хуршида Джумаваевна**  
тарих фанлари бўйича фалсафа  
доктори (PhD),  
Тошкент давлат техника университети

**Одилов Аброр Анварович**  
тарих фанлари номзоди, доцент,  
Ўзбекистон Миллий университети  
**Масъул котиб**

**Исоқов Бахтиёр Робидинович**  
тарих фанлари номзоди, доцент,  
Наманган давлат университети

**Тўхтабасв Аъзамжон Шарипхўжаевич**  
тарих фанлари бўйича фалсафа  
доктори (PhD), доцент,  
Наманган давлат университети

**Халмуратов Бахтиёр Режавалиевич**  
тарих фанлари бўйича фалсафа  
доктори (PhD), доцент,  
Наманган давлат университети

**Алимардонов Отабек Қудратович**  
тарих фанлари бўйича фалсафа  
доктори (PhD), доценти  
Ўзбекистон Миллий университети

**Турсунова Юлдуз Бобоқулловна**  
тарих фанлари бўйича фалсафа  
доктори (PhD),  
ЎзР. ФА. Тарих институти

**Азаматова Гулмира Байирбековна**  
тарих фанлари бўйича фалсафа  
доктори (PhD),  
Jizzax davlat pedagogika universiteti

**Каримжонов Жасурбек Мухторжонович**  
тарих фанлари бўйича фалсафа  
доктори (PhD),  
Ўзбекистон Миллий университети

## МУНДАРИЖА | СОДЕРЖАНИЕ | CONTENT


<b>1. Bahodir Isakov</b> O‘ZBEKISTONDAGI QOZOQ ETNOSI TARIXINI O‘RGANISHNING NAZARIY- METODOLOGIK ASOSLARI.....	5
<b>2. Abduvali Berdiyev, Soatqulov Islom</b> XIVA XONLARI VA USMONLI SULTONLARI O‘RTASIDAGI YOZISHMALAR: DIPLOMATIK MAKTUBLAR TILI VA USLUBI.....	10
<b>3. Пётр Чублук</b> НЕКОТОРЫЕ ВОПРОСЫ ИСТОРИИ ГРЕКО-МАКЕДОНЦЕВ НА ТЕРРИТОРИИ СРЕДНЕЙ АЗИИ ПРИ СЕЛЕВКИДАХ.....	14
<b>4. Shahlo Ubaydullayeva</b> O‘ZBEKISTON TIBBIYOTIDA XOTIN-QIZLAR FAOLIYATI VA ONA-BOLA SALOMATLIGINI MUHOFAZA QILISH MUAMMOLARI (XX ASRNING IKKINCHI YARMI MISOLIDA).....	22
<b>5. Mirhomid Mirakbarov</b> O‘ZBEKISTON GEOLOGIYASI TARIXIDA MURUNTOV OLTIN KONINING KASHF ETILISHI VA MAMLAKATIMIZ SANOATIDA TUTGAN O‘RNI.....	28
<b>6. Mirjalol Abdullayev</b> SHAYBONIYLAR DAVRIDA MUKOFOTLASH VA JAZOLASH TIZIMI (“MUSAXXIR AL- BILOD” ASARI MISOLIDA).....	35
<b>7. Abdillajon Pazilov</b> BENJAMIN FRANKLINNING IQTISODIY VA FALSAFIY QARASHLARI.....	41
<b>8. Mashhura Burxanova</b> ROSSIYA IMPERIYASINING TURKISTON O‘LKASIDAGI STRATEGIK MAQSADLARI VA UNI AMALGA OSHIRISH MEXANIZMLARI.....	46
<b>9. Равшан Хомитов</b> ЎЗБЕКИСТОНДАГИ ЭТНОСЛАРАРО МУНОСАБАТЛАРДА РЕСПУБЛИКА ҚОЗОҚ МИЛЛИЙ МАДАНИЙ МАРКАЗИНИНГ ЎРНИ.....	51
<b>10. Iqbol Jabbarova</b> РАХТАЧИЛИКНИ RIVOJLANTIRISH YO‘LIDA: QASHQADARYO IRRIGATSIYA TIZIMINING BOSHLANG‘ICH TRANSFORMATSIYASI (1930–1940-y.).....	57
<b>11. Rabiyajon Ibragimova</b> QUYI AMUDARYO HUDUDIDA ANTIK DAVR SUG‘ORISH INSHOOTLARI.....	64
<b>12. Gulrux Fayzullayeva, Shoira Nurullayeva</b> AL XORAZMIY HAQIDA.....	68



**Равшан Хомитов,**  
Ўзбекистон Миллий университети,  
тарих фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD), доцент  
ravshan\_h85@mail.ru

### ЎЗБЕКИСТОНДАГИ ЭТНОСЛАРАРО МУНОСАБАТЛАРДА РЕСПУБЛИКА ҚОЗОҚ МИЛЛИЙ МАДАНИЙ МАРКАЗИНИНГ ЎРНИ

**For citation:** Ravshan Khomitov. THE ROLE OF THE REPUBLICAN KAZAKH NATIONAL CULTURAL CENTER IN INTERETHNIC RELATIONS IN UZBEKISTAN. Look to the past. 2026, vol. 9, issue 4.

 <http://dx.doi.org/10.5281/zenodo.19846128>

#### АННОТАЦИЯ

Мақолада кўп миллатли Ўзбекистондаги қозоқ халқлари ҳаётига оид муҳим маълумотлар берилган. Унда Республика қозоқ миллий маданий маркази фаолияти атрофлича тадқиқ қилинган.

**Калит сўзлар:** миллатлараро тотувлик, полиэтник, моноэтник, миллий маданий марказ, қозоқ халқларининг турмуши, халқлар дўстлиги, байналмилал, халқ дипломатияси, бағрикенглик, давлат сиёсати.

---

**Равшан Хомитов,**  
Национальный университет Узбекистана,  
Доктор философии по историческим наукам (PhD), доцент  
ravshan\_h85@mail.ru

### РОЛЬ РЕСПУБЛИКАНСКОГО КАЗАХСКОГО НАЦИОНАЛЬНОГО КУЛЬТУРНОГО ЦЕНТРА В МЕЖЭТНИЧЕСКИХ ОТНОШЕНИЯХ В УЗБЕКИСТАНЕ

#### АННОТАЦИЯ

В статье представлены важные сведения о жизни казахского народа в многонациональном Узбекистане. В нем подробно изучалась деятельность Казахского национального культурного центра республики.

**Ключевые слова:** межнациональное согласие, полиэтничность, моноэтничность, национально-культурный центр, жизнь казахского народа, дружба народов, интернационализм, народная дипломатия, толерантность, государственная политика.

---

**Ravshan Khomitov,**  
National University of Uzbekistan,  
Doctor of Philosophy in Historical Sciences (PhD), Associate Professor  
ravshan\_h85@mail.ru

## THE ROLE OF THE REPUBLICAN KAZAKH NATIONAL CULTURAL CENTER IN INTERETHNIC RELATIONS IN UZBEKISTAN

### ABSTRACT

This article presents important information about the life of the Kazakh people in multiethnic Uzbekistan. It examines in detail the activities of the Kazakh National Cultural Center of the republic.

**Index Terms:** interethnic harmony, multiethnicity, monoethnicity, national cultural center, life of the Kazakh people, friendship of peoples, internationalism, public diplomacy, tolerance, public policy.

#### Долзарблиги:

Барчамизга маълумки бугун инсоният яшаётган сайёрада 1600 дан ортиқ турли миллат ва элат вакиллари жами 200 дан ортиқроқ БМТ томонидан тан олинган мамлакатларда яшайди. Бундан шуни англаш мумкинки, аксарият давлатлар кўпмиллатли ва турли халқлардан ташкил топганини тушуниш мумкин. Яъни аксарият давлатлар полиэтник давлатлардир.

Демак, асосий титул миллат кўпчиликини ташкил этса-да, турли миллат вакиллари яшайдиган давлатлардаги миллатлараро масаланинг халқаро норма ва миллий ўзига хослиги кўринишида олиб борилиши, жаҳон ҳамжамиятининг барқарорлигининг кафолати бўлиб бормоқда.

Шундан бўлса керак, глобаллашган ҳозирги дунё шароитида халқаро ташкилотлар ва давлатлар миллатлараро муносабатларга ёндашувларини аниқ белгилаб, янги чораларни кўришга интилиб бормоқда.

#### Тадқиқот натижалари:

Айнан ушбу масаланинг долзарблигидан келиб чиқиб, 1991 йилдан бошлаб, Ўзбекистон Республикаси ҳукумати миллатлараро масалада халқларнинг тарихан шакланган бағрикенглиги ва халқлар дўстлиги борасидаги қадириятларига асосланиб, дунё ҳамжамияти қабул қилган халқаро нормаларни инobatга олиб, ўзининг миллатлараро муносабатлари борасида давлат сиёсатини белгилаб олди.

Уни амалга оширишда, дастлаб соҳанинг ҳуқуқий ва ташкилий томонларига эътибор берди. Яъни, Ўзбекистон Республикасининг мустақиллик декларацияси, сўнгра 1992 йил қабул қилинган Ўзбекистон Республикаси Конституциясида мамлакат фуқаролари бўлган турли миллат вакиллариининг барча ҳуқуқлари кафолатлаб берилди. Хусусан, мамлакатнинг асосий қонунида “миллати, тили, ижтимоий келиб чиқишидан қатъий назар” деган сўзлар сиёсий, иқтисодий, ижтимоий нормаларда ўн маротабага яқинроқ такрорланиб келади [1]. Бундан шуни англаш мумкинки, турли миллатларга тегишли фуқароларнинг манфаатларини тўла ифода қилиш қонунчилик томонидан таъминланган.

Сўнгра мамлакатда миллатлараро барқарорликни таъминлаш борасида, масаланинг ташкилий томонига алоҳида эътибор берилди. Унда, дастлаб, 1992 йилдан бошлаб ўз фаолиятини бошлаган Республика байналмилал маданият марказининг ташкил этилиши муҳим ўрин тутди [2].

Натижада мамлакатдаги барча миллатга мансублар ўзларининг миллий маданий марказларини ташкил этишни бошлади. Жумладан, мамлакатдаги қозоқ халқларининг вакиллари ҳам шулар жумласидандир.

Шу жойда айтиш мумкинки, минг йиллар давомида яқин кўшни ва дўст ҳамкор бўлиб яшаган ўзбек ва қозоқ халқларининг ягона ҳудуд, ягона эътиқод, яқин маданият ва тушмуш тарзи бу борада муҳим ўрин тута борди.

Чунки ўзбек ва қозоқларни тарих тақдирининг ўзи дўстлаштирган ва бир дарё бўйида қардош қилган. Натижада минг йиллар давомида иккала халқ ҳам “уйингни тошлар билан эмас, дўстларинг билан ҳимоя қил” деган мақолга амал қилган ҳолда ҳамжиҳатлик ва тотувликда яшаб келмоқдалар.

Агар масалага қарайдиган бўлсак, ҳозирги кунда Ўзбекистонда 800 мингдан ортиқ қозоқ миллатига мансуб бўлган фуқаролар истиқомат қилади: бу қозоқ этносининг Қозоғистон ташқарисиди, МДХ мамлакатларида яшайдиган энг йирик қисми ҳисобланади.

Бу этник таркибнинг ташкил топиши узоқ йилларга бориб тақалади. Агар фақат ўтган асрлардаги статистик маълумотларга эътибор қаратидиган бўлсак, қуйидагича маълумотларга гувоҳ бўлишимиз мумкин. Яъни, Ўзбекистон ҳудудидаги дастлабки аҳолини рўйхатга олишга оид 1897 йилдаги маълумотга кўра 81,6 минг эркак, 72,0 минг аёл жами бўлиб 153,6 минг нафар қозоқлар яшаган [3]. 1926 йилда эса Ўзбекистон ҳудудида жами 106980 нафар қозоқ яшаган [4]. Бу жойда микдорнинг камайиши асосан миллий ҳудудий чегараланишга боғлиқ бўлган. 1959 йил аҳолининг 335267 нафар ёки жами аҳолининг 4,9 фоизи қозоқ миллатидан иборат бўлган, уларнинг 71394 нафари ёки 2,6 фоизи шаҳарларда, шунингдек, 263873 нафари қишлоқ ҳудудларида яшаган [5].

Ҳудди шунингдек, мамлакатда 1970 йилдаги маълумотларда эса 476310 нафар қозоқлар мавжуд бўлиб, улардан шаҳарда 131163 нафари яшанган бўлиб, 345147 нафари эса қишлоқларда яшаган [6].

Бироқ 1979 йилга келиб мамлакатдаги этник таркибда қозоқлар қарийб 200000 мингтага ошган ва 620136 нафарни ташкил этган [7]. 1989 йилга келиб 808227 нафар бўлган [8]. Уларнинг асосий қисми қишлоқ ҳудудларида яшаган, бу жиҳат қозоқларнинг маҳаллий аҳоли билан ўзаро яқинлашиш ва ўзаро қадриятларини бойитиш имкониятини ҳам берган. Демак бу жиҳатлар халқларнинг ўзаро қуд-андалиги, меҳмондўстлиги, тўй маросимлари ва бошқаларда яққол акс этиб борган.

Этник таркиб ва унинг шаклланиб бориши ҳақида сўз борар экан, биргина қозоқ халқининг Тошкент шаҳрининг аҳолисини олиб кўрадиган бўлсак 1959 йил 15200 нафар қозоқ вакиллари яшаган бўлиб, улар жами шаҳар аҳолисининг 1,5 фоизини ташкил этган. Ҳудди шунингдек, 1970 йилда улар жами аҳолининг 1,1 фоизини, 1979 йилда 20500 нафар бўлиб, аҳолининг 1,2 фоизини, 1989 йил эса 30600 нафар билан шаҳар аҳолисининг 1,5 фоизини ташкил этганини статистик маълумотлардан кўриш мумкин.

Демак қозоқ миллатига мансуб бўлган фуқаролар асосан мамлакатнинг Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент вилояти, Сирдарё, Жиззах, Навоий, Қашқадарё вилоятларида нисабатан кўпчилиқни ташкил этган. Шунингдек, баъзи минтақаларда улар яхлит бутун маҳалла бўлиб ҳам истиқомат қилишган. Масалан, Тошкент вилоятининг Ўрта Чирчиқ туманида “Дархон” маҳалласи, Чиноз туманидаги “Эшонобод” маҳалласи, Тошкент шаҳрининг Сергели туманида “Қозоқ овул” маҳалласи бу каби мисолларни кўп бор келтириш мумкин.

Шундай экан, мамлакатдаги қозоқ халқининг ҳамжиҳатлигини таъминлаш, уларни бирлаштириш ва миллий анъаналарини сақлаш, бойитиш ва фойдаланишда асосий кўмак кўрсатиш мақсадида 1992 йилнинг март ойида мамлакатдаги қозоқларнинг биринчи курултойи ўтказилди. Унинг натижасида Ўзбекистонда Республика қозоқ миллий маданий маркази ташкил этилди.

Ўтган ўттиз йил мобайнида марказ жами олти нафар раҳбарлар атрофида барча фаолларни ўз атрофида бирлаштириб, ўзларининг низомларида кўрсатилган вазифаларни амалга ошириб келмоқда [9].

Марказнинг бошқарув аъзолари сони 25 киши ҳисобланди. Марказнинг марказий бошқарувининг республика ҳамда 8 та, жумладан, Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳри, Тошкент, Хоразм, Бухоро, Навоий, Жиззах, Сирдарё вилоятларда бўлимлари фаолият юритади.

Марказ фаолияти қозоқ миллатига мансуб фуқароларнинг маданий эҳтиёжларини қондириш, қозоқ тилини ўрганишга кўмаклашиш, қозоқ халқининг анъаналари ва урф-одатларини асраш, ёшларнинг қозоқ тилида таълим олишларини таъминлаш мақсадида олий ва ўрта махсус таълим муассасалари билан ҳамкорлик қилиш, ёш иқтидорларни қўллаб-қувватлаш каби турли йўналишларда олиб борилди.

Миллий маданий марказлар қошида фолклор, миллий ва эстрада ансамбллари, вокал, рақс ва чолғу асбоблари жамоалари фаолият юритади.

Марказ фаолларининг ташаббуси билан Навоий вилоятининг Конимех туманида тарихий этнографик музей, Тошкент вилоятининг Бўстонлиқ туманида “Шахшам” этнография музейи очилган бўлиб, уларда қадимги меҳнат қуролилари, уй-рўзғор буюмлари, миллий либослар ва безаклар намойиш қилинади.

Маданий-маърифий тадбирлар доирасида ҳар йили “Айтис” мусобақаси, “Алтибақан”, “Тусаукесер” ва бошқа миллий байрамлар ўтказилади. Марказ раҳнамолиги ва иштирокида қозоқ миллий маданияти, адабиёти ва санъатининг Толе би, Айтеке би, Қазибек би, Абай, Жамбул, Мухтор Ауэзов, Собит Муқонов, Габит Мусрепов, Муқоғали Макатаев каби таниқли намоёндаларининг юбилейлари нишонланади.

Ўзбекистон қозоқ миллий маданий маркази “Ўзбекистон – Қозоғистон” дўстлик жамияти, Қозоқлар умумжаҳон ассоциацияси, Қозоғистондаги ўзбек маданий марказлари билан яқиндан ҳамкорлик қилади ва икки мамлакат халқлари ўртасидаги тарихий ва маданий алоқалар ривожланишига салмоқли ҳисса қўшиб келмоқда.

Шундай экан, Ўзбекистон Республикасида барча миллатлар учун, жумладан қозоқлар учун ҳам тенг ижтимоий-иқтисодий, сиёсий ва маънавий муҳит ва шароитлар яратиб берилган.

Хусусан, **Биринчидан**, яшаш ҳуқуқининг кафолатлангани, инсон ҳуқуқларининг таъминланганда кўринади.

**Иккинчидан**, таълим олиши ва маданий масалаларда етарли шароитлар ташкил этилган, масалан, 2025 йил ҳолатида мамлакатда қозоқ тилидаги мактаблар сони етарли миқдорда ташкил этади. Улар талаб даражасида дарсликлар ва педагоглар билан таъминланган.

Бу борада Гулистон давлат университети, Низомий номидаги Ўзбекистон Миллий педагогика университети, Андижон давлат университети ва бошқа бир қатор олий таълим муассасаларида қозоқ тилини ўрганишга йўнатирилган факультетлар ўз фаолиятини олиб бормоқда.

Мамлакатдаги қозоқ ёшларининг олий маълумотли бўлиши учун ҳам имкониятлар яратилган. Хусусан, республиканинг айрим олий ўқув юртлирида, ўзбек, рус ва қорақалпоқ тиллари билан бирга 12 та олийгоҳда таълим қозоқ, туркман, қирғиз, тожик тилларида ҳам олиб борилади.

Адабий яқинлик ҳам халқларнинг дўстлик ва ҳамжиҳатлигидан, дунёқарашларнинг бир-бирига яқинлигидан дарак беради. Яъни, буни биргина 2020 йил 3 ноябрь куни буюк шоир ва олим Алишер Навоийнинг «Хамса» асарини қозоқ тилида ва буюк қозоқ мутафаккири Абай асарларини ўзбек тилида нашр этилганидан ҳам кўриш мумкин.

**Учинчидан**, мамлакатда касб танлаш ва меҳнат фаолияти учун муносиб шароитнинг яратиб берилганида кўринади. Бунда, Ўзбекистон Республикаси парламент ва ҳукумат аъзолари, маҳаллий давлат ҳокимияти вакиллиги ва фуқарлар йиғинлари раислари сафида қозоқ миллатига мансуб Ўзбекистон фуқаролари муносиб хизмат қилиб келмоқда. Хусусан, 1992 йил илк бор маҳаллий бошқарувда ҳокимлик лавозими жорий этилганда Навоий вилоятига қозоқ миллатига мансуб Ўзбекистон Республикаси фуқароси ҳоким лавозимига тайинланган эди. Шунингдек, барча иқтисодиёт, саноат, қишлоқ хўжалиги, илм-фан, таълим, соғлиқни сақлаш, тадбиркорлик ва умуман барча соҳа ва тармоқларда қозоқ миллатига мансуб мутахассислар фаол меҳнат қилиб келмоқда.

Ўзбекистон ҳукумати ва жамоатчили ўз навбатида қозоқ халқларининг давлат ва жамият куриш, суд-ҳуқуқ, фуқаролик жамияти институтларининг ривожини ва илф-фан, таълим, ижтимоий соҳа, спорт, иқтисодиёт, саноат ва халқ хўжалиги соҳасидаги хизматларини юксак этироф этиб, давлат мукофотлари билан тақдирлаб келмоқда. Яъни, 1991–2025 йиллар мобайнида юқоридаги соҳаларда меҳнат қилган 200 дан ортиқ қозоқ миллатига мансуб бўлган Ўзбекистон фуқаролари юксак унвон, орден ва медаллар билан тақдирланганидан ҳам гувоҳ бўлиш мумкин [10].

Хусусан, қозоқ миллатига мансуб бўлган, Навоий вилояти Томди тумани “Бирлик” маҳалласида яшовчи чўпон Серикбай Сағатов – Ўзбекистон Қаҳрамони бўлган. Шунингдек, Ағитай Адилов – Қорақалпоғистоннинг оғир табиий-иқлим шароитида деҳқончилик ва фермерлик ҳаракатини ривожлантиришга катта ҳисса қўшган. Уларнинг ватан равнақи йўлидаги кўп йиллик меҳнати учун 1998 йилда “Шухрат” медали, 2003 йилда “Эл-юрт ҳурмати” ордени, 2005 йилда Ўзбекистон Қаҳрамони унвони билан тақдирланган.

Бу борадаги маълумотлар давом этилар экан, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига 2019 йил декабр ва 2020 йил январ ойларида сайлов бўлиб ўтган, унинг натижасида 3 нафар қозоқ миллатига мансуб фуқаролар олий вакиллик органга депутат бўлиб сайланган [11]. 2024 йил парламентда қозоқ миллатига мансуб фуқаролар ўз ўрнига эга бўлди.

Шунингдек, ушбу сайловда халқ депутатлари Қорақалпоғистон ва вилоятлар, Тошкент шаҳрида 6480 нафар халқ вакиллари сайланган бўлса, шундан 100 дан ортиқ республика, вилоят ва туман шаҳар депутатлари қозоқ миллатига мансублиги сиёсий жараёнда миллатлараро муносабатлар масаласининг инobatга олинишидан дарак беради.

Маълумки ижтимоий жараёнларнинг бориши “Ижтимоий фикр” орқали ҳам намоён бўлади. Шундай экан, “Ижтимоий фикр” Республика маркази томонидан 1998 йилдан то 2021 йилгача жами 700 маротаба турли мавзуларда социологик сўров ўтказилган. Унда жами 770000 нафар иштирокчи қатнашган, мавзунинг аҳамиятидан келиб чиқиб айтиш мумкинки, ушбу сўров иштирокчиларининг ўртача 8000 нафари қозоқ миллатига мансублар ҳисобланади [12]. Булар ҳақидаги маълумотлар Ўзбекистон миллий давлат архиви фондларида сақланмоқда.

**Тўртинчидан**, турли миллатларнинг ахборот олиш ҳуқуқининг таъминланиши борасида ишлар тизимли равишда олиб борилди. Хусусан, оммавий ахборот воситалари орқали маълумотларнинг тарқатилиши ҳам шулар жумласидандир. Ўзбекистон миллий телерадио компаниясининг дастурларида қозоқ тилида кўрсатувлар тақдим этилди. Шунингдек, мамлакатда, қозоқ тилидаги “Нурли жол” газетаси нашр этила борилди. Ижтимоий тармоқлар ва интернет нашрларда ҳам бу жиҳатлар инobatга олинди. Хусусан, <https://uza.uz/uz> сайтида қозоқ тилида маълумотлар берилди.

#### **Хулоса:**

Ўзбекистон Республикасининг кўп миллатли бўлиш тарихи узоқ йилларни ташкил этади. Шу йиллар давомида ўзбек халқининг бағрикенглиги мамлакатда миллатлараро барқарорликни таъминишида муҳим ўрин тутди. Истиклол йиллари бу борада давлат сиёсатининг белгилаб олиниши, этнослараро муносабатларни янада ташкилий-ҳуқуқий томондан мустаҳкамлади.

Шундай экан, мамлакатдаги қозоқларнинг ҳаёти ҳам кўп миллатли давлат ва жамият равнақида муҳим ўрин тутди. Чунки бу борада тарихий, географик, диний, миллий, тил ва бошқа жиҳатлардаги табиий яқинлик ҳам муҳим ўрин тутди.

#### **Iqtiboslar/Сноски/References:**

1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. – Тошкент.: Ўзбекистон, 2023.
2. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Республика Байналмилал маданият маркази тўғрисида”ги қарори.
3. Ата-Мирзаев О., Гентшке В., Муртазаева Р. Узбекистан многонациональный: историко-демографический аспект. – Т., 2011. – С.221.
4. Всесоюзная перепись населения 1926 года. Т.XV. – Москва, 1928. – С.8-9.
5. Итоги всесоюзной переписи населения 1959 года. Узбекская ССР. – М., 1962.
6. Итоги всесоюзной переписи населения 1970 года. Т.4. Национальный состав СССР. Ч.1. Кн.2. Май 1972.
7. Ата-Мирзаев О., Гентшке В., Муртазаева Р. Узбекистан многонациональный: историко-демографический аспект. – Т., 2011. – С.227.

8. Итоги всесоюзной переписи населения 1989 года. Национальный состав населения Узбекской ССР. – Ташкент, 1990.
9. Республика қозоқ миллий марказининг жорий архиви маълумотлари асосида тайёрланди (1-папка).
10. Республика қозоқ миллий марказининг жорий архиви маълумотлари асосида тайёрланди (1-папка).
11. Қаранг: <https://saylov.uz/uz>
12. “*Ижтимоий фикр*” республика жамоатчилик фикрини ўрганиш Марказининг жорий архив маълумотлари асосида тайёрланди.

# ЎТМИШГА НАЗАР

ВЗГЛЯД В ПРОШЛОЕ  
LOOK TO THE PAST

**Editorial staff of the journals of [www.tadqiqot.uz](http://www.tadqiqot.uz)**

Tadqiqot LLC the city of Tashkent,  
Amir Temur Street pr.1, House 2.

Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: [info@tadqiqot.uz](mailto:info@tadqiqot.uz)

Phone: (+998-94) 404-0000

**Контакт редакций журналов. [www.tadqiqot.uz](http://www.tadqiqot.uz)**

ООО Тадқиқот город Ташкент,  
улица Амира Темура пр.1, дом-2.

Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: [info@tadqiqot.uz](mailto:info@tadqiqot.uz)

Тел: (+998-94) 404-0000